



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (11.724)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ:

### ҲАМИША ОБОД ВА КЎРКАМ

Барчамиз учун энг азиз ва энг улуг неъмат — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрам шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Каттаю кичикнинг қалбида ифтихор туйғулари жўш урмоқда.

Тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурган юртимизда тўйлар, байрамлар кўп. Мана шундай тантаналарни муносиб кутиб олиш мақсадида аввало ободончилик

касб-хунар коллежи, 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилиб, 8-туғруқ мажмуаси гинекология бўлими қайта таъмирланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўсиб келаётган авлодни соғлом ва етук инсон бўлиб вояга етиши, замонавий билим олиши, касб-хунар эғаллаши йўлида учта олий ўқув юрти, бешта касб-хунар коллежи, тўртта академик лицей, 16 та мактаб педагогик жамоасининг ҳиссаси салмоқлидир.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этишда тўрттадан шифохона ва оилавий поликлиника, бошқа тиббиёт муассасалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шiori ҳар бир иншоа бош-қош ва ибрат бўлаётган отахон-онахонларни, гурури баланд, қалби қайноқ, ғайратли ва шижоатли ёшларни эзгу ишлар сари ундамоқда.

Истиқлол куёшидан баҳра олиб, яшнаб-яшараётган она диёримизни яна ҳам гўзал ва обод масканга айлантиришга бел боғлаган туман аҳолиси энг улуг, энг азиз байрамни кўтаринки руҳда, ўқишда ва меҳнатда ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.

(Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)



ва орасаликча эътибор қаратилади.

Ҳамиша обод ва кўркам Яккасарой тумани аҳолиси ҳам байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш иштиёқида қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Яккасаройликлар байрам олди умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиб, ободлик кўнгилдан бошланади деган нақлни амалда намоен этдилар. Маҳаллалар ҳудуди, кўчалар орас-таланди, ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланди, кўп қаватли уйлар йўлакларни таъмирланди.

Байрамга туҳфа тайёрлаётган қурувчилар мустақиллик иншоотларини ўз вақтида фойдаланишга топширишга аҳд қилган. Яккасарой маиший хизмат

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ билан суҳбатлашди.

### ОДИЛ МУҲАММАД АБДУРАСУЛ ҲАСАН ҲАЁТ:

#### ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини қандай баҳолайсиз, ўзаро муносабатларимизнинг истиқболли ҳақида фикрингиз?

— Кувайт ва Ўзбекистон раҳбарларининг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва халқаро сиёсат масалаларига қарашлари ўхшаш, кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга расмий ташрифи ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. Ташриф асосидаги учрашувлар икки томонлама муносабатларни барча жабҳаларда ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Ушбу ташриф чоғида ўзаро муносабатларни янада мустақамлашга хизмат қиладиган кўплаб қелишувларга эришилди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар бор.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг 2008 йил июль ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашиш учун яхши имконият бўлди. Ташриф асосида ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган қелишувларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

— Айни пайтда амалга оширилаётган муайян қўшма лойиҳалар ҳақида қисқача тўхталсангиз...

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида яқин ҳамкорлик қарор топган. Бу жамғарма мамлакатимиздаги бешта йирик лойиҳани молиялаштиришда иштирок этмоқда. «Тўқимачи — Ангрен» темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси улардан биридир.

(Давоми 2-бетда).

### МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ХИТОЙДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари вакилларида иборат делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон — Хитой бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «China Foreign Trade Centre» компанияси ўртасида икки томонлама битим имзоланди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда жадал ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган қелишувлар муҳим омил бўлмоқда.

Бу галги делегация ХХР Тижорат вазирлиги ва «Canton Fair» халқаро кўргазма-ярмаркаси ташкилотчиси — «China Foreign Trade Centre» компаниясининг раҳбарлари ва вакилларида иборат.

Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган «Canton Fair» халқаро кўргазмасининг афзалликлари тўғрисида кенг маълумот бериш, Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини ўрганиш, ўзбекистонлик ва хитойлик тадбиркорлар, кўргазма иштирокчилари ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой бозорига олиб чиқишдан иборатдир.

— «Canton Fair» кўргазмаси ташкилотчиларининг халқаро инвестициялар соҳасида истиқболли мамлакатларга бориши анъанага айланган, — дейди Ўзбекистон — Хитой савдо уйи раҳба-

ри Ҳикмат Абдураҳмонов. — Жорий йилда мамлакатимиз ҳам мақдур рўйхатдан жой олди. Сўнгги уч йил мобайнида юртимиздаги компаниялар вакиллари мазкур халқаро кўргазма-ярмарка билан танишиши учун Хитой Халқ Республикасига олти марта таширифини уюштирдик. Бизнес-форум доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «China Foreign Trade Centre» компанияси ўртасида имзоланган қелишуу Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг мазкур кўргазмада иштирок этишида ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ушбу тадбирда намойиш қилишда қатор имтиёزلарни кўзда тутди.

«Canton Fair» дунёда энг машҳур савдо-саноат ярмаркаларидан бири ва Хитойда энг кўп маҳсулот намойиш қилинадиган йирик ярмарка ҳисобланади. Навбатдаги кўргазма жорий йилнинг кузида Гуанчжоудаги «Пачжоу» кўргазмалар марказида бўлиб ўтади. Унда дунёнинг икки юздан ортқ давлатидан ташриф бу-йорган 65 мингдан зиёд компания ва ишбилармонлар иштирок этади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎзА мухбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Чирчиқ шаҳрида Президентимиз томонидан ўртага ташланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ёшлар форуми бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мустақилликнинг моҳияти ва тарихий аҳамияти, барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури самаралари хусусида сўз борди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурларида Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қурувчи ва энергетиклари томонидан муносиб туҳфа тайёрланди. Тошкент вилоятидаги Охангарон сув омбори қошида кичик гидроэлектростанция ишга туширилди. Бу ерга ўрнатилган иккита гидроагрегатлар қуввати 21 мегаватт ташкил қилади.

• Тошкент вилоятида фермерларга хизмат кўрсатувчи ахборот-ресурс маркази иш бошлади. Бундай марказлар фермерларга тадбиркорликни, экология масалалари, агротехника методологияси ва соҳага оид бошқа билимларни ўргатади. Шунингдек, интернет, коммуникация, компьютер ҳамда хўжаликларни тайёрлаш каби хизматларни кўрсатади. Жорий йил охирига қадар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам ана шундай марказлар ташкил этилади.

• Беруний шаҳрида туман ҳокимлиги, прокуратура ва Бандликка кўмаклашувчи марказ ташаббуси билан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 55 та ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасалари 261 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 182 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлардан иборатдир.

• Қашқадарё вилоятида «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларни касаллик ва зараркуналдан ҳимоя қилиш асослари» мавзусида дала ўқув-семинари бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

• БМТ маълумотиға қараганда, кейинги пайтларда Афғонистонда жанговар ҳаракатлар оқибатида тинч аҳоли ўртасида ҳалок бўлганлар ва яраланганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилдагиға нисбатан 31 фоизга ортган. Курбонларнинг 76 фоизи «Толибон» ва бошқа террорчилик гуруҳларининг босқинчилик ҳаракатлари давомида ҳаётдан кўз юмган. Шу боис БМТнинг Афғонистондаги тинчлик миссияси «Толибон» етакчиларига мурожаат қилиб, қон тўкишни тўхтатишга чақирди.

• Россиялик таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қарийб икки ойдан буён давом этаётган ўрмон ёнғинларидан кўрилган зарар 450 миллиард рублга етиб қолган. Таъкидлаш жоизки, ёнғинлардан кўрилган талафот 2010 йилги ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизига тенгдир.

• АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси қайта ташкил этилганидан сўнг илк бор ўз акцияларини Нью-Йорк ва Торонто биржаларига чиқарди. Ташкилот мутасаддилари шу орқали компаниянинг давлат олдидаги 50 миллиард долларлик қарзини узишни тезлаштиришдан умидвор.

• Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида саккизоёқ Пауль бехато башорат қилганидек, Австралияда ўтказиладиган парламент сайловлари олдидан тимсоҳ Гарри ҳам башорат қилиб, амалдаги бош вазирнинг галабасига ишора этди.

• Мичиган университети олимлари Виктор Ли ва Инцзя Ян эластик бетон кашф қилишди. Ушбу бетон ёриқлар пайдо бўлганда тўла тикланиш хусусиятига эга. Бунинг учун ёриққа сув қуйишнинг ўзи кифоя. Шунда бетондаги минерал бирикмалар ҳаводаги карбонат ангидрид гази билан бирикиб, ёриқлар ўрнини тўлдирувчи кальций карбонатни ишлаб чиқаради.

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ «Ўқувчиларни мактабдан бўш вақтини самарали ташкил этишнинг замонавий шакли, воситаси ва усуллари» — ушбу мавзудаги республика семинари Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахт таълим тузилмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✓ ЮНЕСКО туманидаги Мирзо Улугбек номи маҳаллада аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати 50-оилавий поликлиника мутахассислари томонидан уюштирилди.

✓ Миллий матбуот маркасида «Экология хабарномаси» нашр этила бошлаганининг 15 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ:

## ҲАМИША ОБОД ВА КЎРКАМ



## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Майдони 1,46 минг квадрат километрдан иборат бўлган Яккасарой туманида 114,2 минг аҳоли истиқомат қилади.
- Муқимий номли, «Конституция», «Яккасарой», «Дамарик», «Ўрикзор» маҳаллаларида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳунар ўргатиш мақсадида тикувчилик ва пазандачилик курслари ташкил этилди.
- «Ракат» маҳалласида аёлларни ишга жалб этиш ҳамда касаначиликни ривожлантиришни йўлга қўйиш мақсадида гилам тўқиш цехи очилди.
- Тумандаги бешта маҳалла фуқаролар йиғинлари компьютер жамламаси, сақизта маҳалла идораси мебель жиҳозлари билан таъминланди.
- Болалар спортини ривожлантириш-жамғармаси томонидан 14 та мактабга 38 та стол теннис тақдим этилди.
- Реал иқтисодиётга барча манбалар ҳисобидан йўналтирилган инвестициялар 180 миллиард сўми ташкил этиб, 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 68 фоизга ошди.
- Жорий йилнинг олти ойи мобайнида туманда 3,8 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётди. Замонавий таълим масканлари бунёд этилмоқда, мавжудлари тубдан таъмирланиб, бугунги кун талабига монанд жиҳозланмоқда.

18-Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг янги биноси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ҳисобидан бунёд этилмоқда.

— Юртимизда ёш авлодининг таълим-тарбия олиши, фарзандларимизнинг санъат ва мусиқага қизиқишини яна ҳам ошириш, истеъдодини

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод онги ва қалбида эзгу ғояларни қарор топтириш, ёшларни юксак инсоний фазилатлар, мустақил ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш, истеъдодини ривожлантириш мақсадида мусиқа санъатини ҳам изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ КАМОЛ ТОПМОҚДА

қўллаб-қувватлаб, ривожлантиришга қаратилган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлардан беҳад хурсандимиз, — дейди мазкур мактаб директори ўринбосари Одина Раҳимова. — Илгариги эски бино ўрнида икки қаватдан иборат замонавий иншоот бунёд этилмоқда. Қурилиш ишларини тендер асосида

бош пудратчи ҳисобланмиш «Метин қурилиш» МЧЖ бунёдкорлари олиб бормоқда. Қурилиш ишларига деярли 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Мусиқа ва санъат мактабида 250 нафар ўғил-қизлар ўзбек халқ чолғулари, фортепиано, скрипка, эстрада хонандчилиги, пуффала асбоблар, тасвирий санъат ва

хореография, компьютер графикаси бўйича 27 нафар тажрибали педагоглардан тахсил олади. Бу ерда болаларнинг мусиқа ва санъат сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шароитлар бисёр қилинмоқда. Истиқлол байрами, шунингдек янги ўқув йилига ўқувчиларга муносиб совға бўлади албатта.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг униб-ўсиши, уларнинг қалбида она Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига ҳурмат руҳини синдириш, миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун яратилаётган бу каби шароитлар барчамизнинг қалбимизни ифтихорга тўлдирди. Баркамол авлоднинг тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар бардавом бўлсин.

фаол қатнашди. Маҳалла худуди ободонлаштирилди. Кўп қаватли уйларнинг юздан зиёд йўлаги хомийлар, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўмағида қайта таъмирланди. Йил бошидан 16 та болалар майдончаси тартибга келтирилган бўлса, еттичаси янгитдан барпо этилди. Байрам муносабати билан маҳаллада кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилмоқда.

Меҳр-оқибат, хайр-саховат маскани бўлган маҳалла Ватан ичра кичик бир Ватанимиз, муқаддас кўргонимиз. Истиқлол йилларида қадриятларимиз улуғланиб, янада яшнаб яшараётган, обод ва кўркам гўшага айланаётган маҳаллаларимизда ҳамиша тинчлик-осойишталик, тотувлик ҳукмрон бўлсин.

## ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

қизиққани боис ательеда ишлаб, малакасини оширган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, икковлон мақсад сари интилиб, изландик. Эзгу мақсад йўлидаги изланишлар эса албатта самарабера бер экан. Аввалига беш-олтита тикув машиналари сотиб олиб, сўнг 30 тага етказдик. Шу тариқа кичик фирма очдик. Ҳозирги кунда янада кенгайиб, масъулияти чек-

ланган жамият сифатида фаолият юритаётимиз. Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги цехлар ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари ҳам сезиларли даражада ортганлигини кўриш мумкин. «Irodāt teks» савдо белгиси билан тижиллаётган замонавий либослар, махсус иш кийимлари тури деярли 300 дан зиёд ташкил қилади. Буюртмачи-

нинг талаб ва истақлари асосида тайёрланаётган кийим-кечақлар, дарҳақиқат, харидор дидига мос, сифати ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

«Irodāt teks» МЧЖда 100 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, ойига 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Ҳозирда барча имкониятларни ишга солган ҳолда хорижий буюртмачиларни жалб этиш ва экспортни йўлга қўйиш мақсадида саъй-ҳаракатлар ҳам бошланган.

## СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

**Тоймас Тўлаганов, 8-шаҳар туғруқ мажмуаси бош шифокори:** — Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, айнақса она ва бола соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар биз учун устувор бўлаётди ва бу борада 8-туғруқ мажмуасида ҳам самарали ишлар олиб борилаётди.

«Соғлом она — соғлом бола» ҳаракат дастурига биноан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундай шарафли вазифани жамоамиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда адо этмоқда.

Мажмуада 80 ўринли туғруқ бўлими, гинекология бўлими, маслаҳат-ташхис поликлиникаси мавжуд.

Жорий йилда туғруқ бўлими тубдан таъмирланди. Тиббиёт ходимларининг мунтазам малакасини ошириш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар изчил олиб борилмоқда. Авваламбор улар ҳар кун амалиёт ўтади. Ҳафтада бир кун илмий-амалий семинар ўтказиб борилади. Тадбирга Тошкент Тиббиёт академияси, врачлар малакасини ошириш институтининг малакали мутахассислари тақриф этилади. Бундан ташқари, мажмуа ёқинидаги оилавий поликлиникаларга ҳам бевосита маслаҳат ёрдами кўрсатилар. Ойда бир марта шифокорларимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида республикаси вилоятларида малакасини ошириб қайтади.

Айтиш жоизки, ҳар бир шифокор ҳар қандай шароитда гинекология бўйича муолажаларни бажара олади. Бугунги кунда туғруқ мажмуасида битта фан доктори, олти нафар тиббиёт фанлари номзоди, кўплаб олий ва биринчи тоифали мутахассислар ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда.

**Саҳифа материалларини Дилором ИКРОМОВА тайёрлади. Козим Ўлмасов олган суратлар**

## ОДИЛ МУҲАММАД АБДУРАСУЛ ҲАСАН ҲАЁТ: ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида 2009 йилда имзоланган кредит битимига мувофиқ «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш» лойиҳасини молиялаш учун кредит ажратилди. Ушбу лойиҳа мавжуд ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ва янгиликларни қуриш орқали мазкур вилоятлардаги суғориладиган экин майдонлари ҳосилдорлигини оширишни кўзда тутди.

— **Суҳбатимиз Мустақиллик байрами арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг самаралари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Мамлакатингиздаги фаолиятим давомида барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлмоқдаман. Шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди: йўллар кенгайтирилиб, кўплаб янги муҳташам иншоотлар барпо этилмоқда, муқаддас қадамжолар таъмирланмоқда. Ўзбекистонда аجدодлардан қолган илмий, маданий ва маънавий мерос чуқур эътиром билан ўрганилиши ҳамда кадрланишидан ўрнатилган арзишдир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг тўғри йўлини танлаган. Мамлакатингиз иқтисодиётида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир. Юртингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт ҳажми мутасил ошиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга шайроитида Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастури нечоғли самарадор эканини мамлакатда иқтисодий бўҳрон таъсири сезилмаётганидан ҳам билиш мумкин.

— **Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ҳақида фикрингиз?**

— Халқор сўбатда Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосийсий жойлашувига ўта муҳим омил сифатида қаралади. Айни пайтда Ўзбекистон узоқ йиллардан буён уруш гирдобига қолиб келаётган Афғонистон билан чегарадош мамлакат сифатида минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқнинг кафолати ҳам бўлган давлатдир. Афғон муаммосини бартараф этишнинг ягона йўли, Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликка эришишга доир муаммолар ечимининг тинч ва барча томонлар учун мақбул усулларини излашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида илгарти сурган тақлифи, яъни Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий куч ишлатиш билан ечиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қўшни мамлакатлар ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари билан «6+3» мулоқот гуруҳини шакллантириш зарурлиги борасидаги фикрлари ниҳоятда тўғри эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини истиқлол байрами билан муборакбод этаман, мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилайман.

**Мадина УМАРОВА**  
суҳбатлашди

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРАМИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги ва Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 64 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этди.**

Маросимда Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С.Фуломов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янги мазмун касб этиб, изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этди. Хусусан, 2005 йил апрель ойда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўлди. 2006 йил апрель ойда эса Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди.

— Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари узоқ тарихга эга, — деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Манал Шах Алкадри. — Аънавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

(ЎЗА)





Гурур-ифтихоримиз ва барчамиз учун энг улуғ неъмат бўлган Мустақиллик ўзлгимиз, ор-номусимиз, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида юртдошларимиз қалбидан мустақкам ўрин эгаллади. Зеро, Истиқлол янги жамият қуриш йўлида, халқимизнинг маънавий юксалишида, ўз олдимишга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезондир.



## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Президентимизнинг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарориди айтилганидек, «Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш Истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бу-

нёрдорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда».

Айни кунларда мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шiori остида «Мустақиллик биз учун ўзлгимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаро-

вонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу гоани ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан «Мустақиллик — энг улуғ неъмат» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда озод ва обод Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мустақиллигимизни кўз

қорачигидек асраб-авайлаш ва эъозлаш барчанинг инсоний бурчи эканлиги таъкидланди.

Тадбирда «Миллий хунармандчилигимиз — миллий қадриятларимиз бардавонлиги кафолати» мавзусида кўргазмалар ҳамда «Маҳаллий ва миллий тадбиркорлик» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Тадбир доирасида уюштирилган «Миллий либослар», «Моҳир қўллар», «Тасвирий санъат» ва расм тўғараклари кўргазмалари йиғилганлар эътиборини тортиди. Шоирлар Истиқлолимизни мадҳ этувчи янги шеърларидан ўқишди. Мустақиллик тенгдоши бўлган фаол ёшлар тақдирланди. «Гулшан» ва «Феруза» маданият уйлариининг баддий ҳаваскор гуруҳлари она-Ватан, Мустақиллигимизни улўғловчи дилрабо куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз ва байрамона шуқуҳ бахш этди.

Дилором ШОКИРОВА  
Козим Улмасов олган суратлар

### Маҳалла

#### ЎЗИГА ХОС ТУҲФА

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб бормоқда. Истиқлолнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида олиб борилаётган яратувчанлик ишлари эса қутлуғ байрамга ўзига хос туҳфа бўлмоқда.

Айни кунларда шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида улуғ байрам муносабати билан кенг жамоатчилик жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ишлари қизгин паллага кирган.

Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласи аҳли ҳам бу борада ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

— Салкам тўрт мингга яқин аҳоли мавжуд маҳалламизнинг 14 та кўчасида

амалга оширилаётган ободонлаштириш, орасталаш ишларида кексаю ёш бирдек масъул бўлмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Сотволдиев. — Бундай хайрли ишлар негизида маҳалладошларимизнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бир-бирига меҳр-оқибати мужассам. Маҳалла инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, маслакдош, сирдош қила-

диган мўъжазгина хайрли маскан ҳисобланади. Унда халқимизнинг қадриятлари қадрланади, анъаналар бешиги янада қулоч ёяди. Шундай экан, ўзимиз яшайдиган гўшамизни асраб-авайлашимиз лозим.

Ободонлаштириш ишлари тугагандан сўнг маҳалла фаоллари ва ёшлари ҳам фикрлигида «Огоҳлик бурчимиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ёшларни турли зарарли миллатлардан огоҳликка қорлайдиган, онг ва тафаккурини теранлаштирадиган, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Яқинда бўлиб ўтган «Энг яхши диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг шаҳар босқичида Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла маслаҳатчиси Муҳаббат Мусахўжаева голиб чиқиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

### ЭНГ ЯХШИ МАСЛАҲАТЧИ

— Голибликни ким орзу қилмайди, — дейди Муҳаббат Мусахўжаева. — Бу ютуқ фақат меники эмас, балки бутун маҳалламиз, қолаверса, туманининг муваффақияти. Истайманки, жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг уйида тинчлик, хотиржамлик ва осойишталик ҳукм сурсин. Тўйларимиз тўйга уланисин. Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги барчамизга қутлуғ бўлсин. Албатта, кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам юқори ўринни эгаллаб, маҳалламизнинг юзини ёруғ қилсам, деган ниятдаман.

Яхши ният инсонга ҳамдам дейдилар. Биз ҳам Муҳаббат опага омадлар тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

### Спорт янгилликлари

#### GERMANYADAN OLTIN MEDAL BILAN

Германияда энгил атлетиканинг марафон йўналиши бўйича фахрийлар ўртасида уюштирилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртимиз Людмила Музаффарова олтин медални қўлга киритди.

Минг нафардан ортиқ спортчи иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз 42 километру 195 метрга тенг масофани рақибларидан аввал босиб ўтди ва турнирда биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирда мураббийлик қилаётган ушбу ҳамюртимизнинг келгуси турнирларда ҳам зафар кучишини тилаб қоламиз.

#### ҲАМЮРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ёшлар ўртасида спортнинг шотакан-каратэ тури бўйича жаҳон чемпионати уюштирилди.

Курраи заминнинг кўпгина мамлакатларидан келган спортчилар иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз Гулистон Хайпанова муваффақиятли иштирок этиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Кувонарлиси, ушбу нуфузли турнирдаги зафари эвазига ҳамюртимиз халқаро тоифадаги спорт устаси меъёрларини ҳам бажарди.

Акбар Йўлдошев

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

#### «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида»ги Қарорига асосан Республика Кўчмас мулк биржаси марказий идорасида 2010 йил 31 август кунига белгиланган аукцион савдолари 2010 йил 29 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Телефон: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz). Лицензия: ДВ 001 №000004.

#### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туман ФХДЭ бўлими ходими Суррайё Махмудовна Ильясовага отаси Махмуд МИРЗАБОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
2765 нуска босилди.  
Қоғоз ёнғини А-2



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИҚМАТЛАР

Мурувват одамийнинг айбин ўртар,  
Бўлур сарвар жаҳонга иззи ортар.

\*\*\*

Асилдин келмагай ҳаргиз хатое,  
Азиз эркан умур қилмас нафое.

\*\*\*

Кима ким бўлди эҳсон хўю одат,  
Анга кул бўлди бахту ҳам саодат.

\*\*\*

Карамдур аҳли давлатнинг нишони,  
Қолур оламда оти жовидоний.

\*\*\*

Тегар сўзга киши эрмас харидор,  
Карамга барча оламдур талабгор.

\*\*\*

Ниҳол аслидинким, бесамардур,  
Кесиб ташла агар шохи шакардур.

\*\*\*

Хасосат ҳар кимунг бўлди мизожи,  
Ўлимдин ўзга йўқдур ҳеч иложи.

\*\*\*

Ангаким лутфу эҳсон бўлди ҳамдам,  
Малойик сувратинда эрур одам.

\*\*\*

Анингким, қуввати руҳи хуни дилдур  
Қачон ул пойбанди обу гилдур.

\*\*\*

Мурувватни ўзинга айла одат Ки, улдир давлату бахту саодат.

\*\*\*

Кимаким лутфу ҳиммат ҳамдам эрмас,  
Эрур ҳайвони нотик, одам эрмас.

\*\*\*

Саодатсиз киши олмас насихат,  
Бўлур нафси бад олгандин фазиҳат.


\*\*\*

Хирадманд одамий ўхшар ҳумоя,  
Етар давлатга кимга солса соя.

\*\*\*

Тикансиз гул жаҳонда ҳосил эрмас.

(«Маҳобҳорат» дostonидан)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терини ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5